O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
8 февраль
ЧОРШАНБА
№ 11
(11.814)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

САЛОМАТЛИК МАНЗИЛЛАРИ

Кейинги йилларда нафақат шаҳар ва марказий гўшаларда, балки чекка туманларда ҳам аҳолига сифатли ва намунали тиббий хизмат кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда муҳим тизим фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилаётган чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, бугунги кунга келиб, тиббиёт муассасаларидаги шароитлар яхшиланиб, янги, замонавий имкониятлар яратилаётир.

СУРАТЛАРДА: *Шаҳодат Парпиева навбатдаги чақирувни ёзиб олмоқда; бўлим тезкор ходимлари манзилга отланишди.*
Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

Буни Бекобод туманидаги марказий шифохона мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, тез тиббий ёрдам бўлими ва унинг жонкуяр шифокор ҳамда малакали ҳамшираларининг беминнат, сифатли, тезкор хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

— Қарийб 35 йилдан бери шарафли соҳада хизмат қилиб келяпман, — дейди олий тоифали фельдшер, чақирув бўлими масъули Шаҳодат Парпиева. — Фаолиятимиз мобайнида минглаб инсонлар дардига малҳам бўлиб келаётганимиздан ғоят мамнунмиз. Давлатимизнинг тиббиёт соҳаси ривожига ва шифокорлар меҳнатига нисбатан рағбат ҳамда ғамхўрлиги бизни касбга янада садоқатли, хизматга масъулиятли бўлишга ундайди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Финляндия Республикаси Парламентининг хорижий ишлар қўмитаси раиси Лийса Яаконсаари раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлди.

ФИНЛЯНДИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси Содиқ Сафоев билан учрашувда икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги муносабатлар ва парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Меҳмонлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самараларга, хусусан, икки палатали парламент тизимининг шакллантирилишига юксак баҳо бердилар.

ЎзА.

Вилоят ҳокимлигида

ХИЗМАТДАН БАҲРАМАНД БЎЛГАЧ

Вилоят ҳокимлигида аҳолига кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда вужудга келган дебитор қарздорликни бартараф этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят корхона ва идоралари раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зиёвуддин Ниёзов бошқарди.

Коммунал хизматлар ҳақини ундириш борасида идоралар ва коммунал хизматлар ҳамкорлиги кучайтирилганлигига қарамасдан дебиторлик қарзлари камайишига эришилмаётганлиги таъкидланди. Чунончи, шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра вилоятда коммунал хизматлардан қарздорлик 20,9 миллиард сўмга етган.

Аҳолидан коммунал тўловларни ундиришни тезлаштиришни кўзлаб, ойлик аниқ топшириқлар белгиланмоқда. Афсуски, январь ойи натижалари бу чора ҳам кутилган самарани бермаётганлигини кўрсатди. Йиғилган тушум 23 январь ҳолатига ойлик топшириққа нисбатан 39, жумладан, электр таъминоти бўйича 31,4, иссиқлик таъминоти бўйича 10 фоизга аранг етган. Газ ва ичимлик сув таъминоти учун ҳақ ундириш суръати ҳамон паст бўлиб қолаётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Бу ишларда барча шаҳарлар ва Бўка, Зангиота, Оққўрғон, Пскент, Чиноз Қуйичирчиқ туманларида жиддий оқсашга йўл қўйилаётир.

Шуларни ҳисобга олиб, йиғилишда коммунал хизматлар учун тўловларни ундиришни жадаллаштириш, бу жараёнда бевосита коммунал хизмат идоралари, шунингдек, корхона ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди. Бу ишда ошкораликни кучайтириш чоралари белгиланди.

ВИЛОЯТ ХАЁТИ

МИКРОАВТОБУСЛАР ХУМСОНГА

Бўстонлиқ туманида аҳолига транспорт хизмати сифатини яхшилаш мақсадида Ғазалкент шаҳридан узоқ-яқин қишлоқларга янги йўналиш-таксилар қатнови йўлга қўйилмоқда.

Куни кеча улар қаторига яна бир янги йўналиш қўшилди. Ғазалкентдан Хумсон қишлоғига микроавтобуслар қатнай бошлади.

Туман ҳокимлиги бундай қулайликларни «Оқ тулпор» МЧЖ ва «O`zing yasab ol» хусусий корхоналари билан ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Муяссар ФАЙЗИЕВА.

МОДЕМ ТИЗИМИ ИШ БОШЛАДИ

Чирчиқ почта алоқаси тармоғининг амалиётлар зали хизматидан шаҳар аҳли мамнун. Бу ерда абонент тўловларини йиғиб олишда модем тизимидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда.

Пластик карточкаларни татбиқ этишга киришилгандан сўнг Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» бирлашмасида ҳам ойлик маошлар шу тартибда берила бошланди. Бундай қулайликни қўллаш мақсадида 8-алоқа бўлимида коммунал хизматлар учун терминаллар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими жорий этилди.

Акбар АЛИЕВ.

ГЎЗАЛЛИК ШАЙДОЛАРИ

Юқоричирчиқ туманидаги 35-умумтаълим мактабида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Биз гўзалликни яратиб, тозаликни сақлаймиз» мавзусида кўргазма ташкил этилди.

Унда ўқувчилар ясаган турли буюмлар намойиш қилинди.

9-а-синф ўқувчиси Улзода Ботирбекова яратган гул ва бежирим идиш мактовга лойиқ деб топилиб, унга эсдалик совғаси топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Халқаро бизнес марказида юртимиз тарихи ва маданияти билан қизиқувчиларга мўлжаллаб чиқарилган "Мафтункор йўллар" рисоласининг тақдимоти ўтказилди.

«МАФТУНКОР ЙЎЛЛАР»

Рисола инглиз тилида чоп этилган бўлиб, рангли фотосуратлар билан безатилган. Дастлабки саҳифада Ўзбекистоннинг тарихий йўллари, дунё таниган шахслари ҳақида ҳикоя қилинган. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хоразмга бағишланган саҳифаларда асрлардан-асрларга ўтиб келаётган меъморчилик санъати намуналари билан боғлиқ ҳикоялар ўрин олган. Рисолада Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, темурийлар даври ҳам кенг ёритилган.

Тадбирда иштирок этган элчихона ва халқаро ташкилот ваколатхоналари раҳбарлари ушбу рисола ҳамда туризмни ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

«Туркистон-пресс».

Ифтихор

ҚАДР ВА ЭЪЗОЗ

Мустақиллик ва эзгулик монументи — Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она пойидаги ўйлар

Инсон яралибдики, унга ҳаёт бахш этган ота-она, она замин, она диёр, она Ватан меҳри пойдор. Жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг юраги — азим Тошкент кўчаларидан, унинг дурдонаси — Мустақиллик майдонидан ўтиб борар эканман, ватандошларим чеҳрасида, нигоҳида ана шундай меҳр, ифтихор туйғуларини сезаман.

Бу шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас. Зеро, дунё ҳамжамиятида муносиб обрў-эътибори бўлган Ўзбекистон, Тошкент деса, дунёнинг истаган бурчагида акс-садо берадиган улуғ юрт фарзанди бўлиш Яратганнинг иноятидир. Қолаверса, имон-эътиқоди мустаҳкам, мустақиллик шарофати билан қадриятлари қадр топаётган, ўз йўлидан оғишмай, олий мақсадлар сари шаҳдам қадам ташлаётган эркин, озод халқнинг мана шундай қудратли суянчи, паноҳи — она Ватани бор.

Кундан кунга гўзаллашиб, камолот чўққиларини забт этаётган пойтахтимиз ҳуснига ҳатто хорижликлар ҳам шайдо. Айниқса, кейинги йилларда қиёфаси янада мукаммаллашиб бораётган Мустақиллик майдонида бунёд этилган Бахтиёр она ҳайкали қошида чуқур ўйга толаман: шу қадар улуғворлик, бағрикенглик, буюкликни, ҳақиқий ўзбек халқининг онасини ифодалай олган ҳайкалтарошга, ғоя ижодкорларининг заковатига тасаннолар айтаман.

Тўғри, дунёда машҳур ёдгорликлар, санъат ва маданият обидалари бисёр. Лекин, кўрган кишининг ҳавасини келтириб, ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотадиган, миллатимиз шаън-шавкатини юксакларга кўтарувчи бетакрор, маъно ва мазмунга бой муҳташам иншоотлар келажак авлодлар томонидан буюк мерос сифатида қадрланиши, эъзозланиши шубҳасиз.

Саодат РАҲИМОВА,
ўқитувчи.

Долзарб мавзу

КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини фаол меҳнатга жалб қилиб, оила бюджетини қонуний ишлаб топилган даромад билан мустаҳкамлаш имконини беради

Бозор муносабатлари шароитида ишсизлик, аҳолининг иш билан бандлиги муаммолари кескинлашиши табиий. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ҳолатларни олдиндан кўра билган ва аҳолининг муайян қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган эди. Кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонунлар, фармонлар ва қарорлар бу борадаги вазифаларни амалий жиҳатдан ҳал қилишга йўналтирилди. Шу йилнинг 5 январида эълон қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларга янги куч ва кўлам бағишламоқда.

Янги Фармон аҳолининг кенг қатламларини фойдали меҳнатга жалб этишда қандай имкониятлар очади? Касаначилик тадбиркорликни ривожлантиришда қандай ўрин тутади ва бу ҳаракат қандай қўллаб-қувватланиши керак? Партиянинг депутатлик гуруҳлари бу борадаги қандай вазифаларни ҳал қилишга эътибор қаратмоқлари лозим?

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан фаоллар учун ташкил этилган ўқув-машғулоти иштирокчилари Фармондан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш масалалари хусусида фикр юритиб, юқоридаги муаммоларни ойдинлаштириб олишди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари фаол иштирок этишди. Асосий эътибор долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишда ва тадбиркорликни ривожлантиришда партия депутатлик гуруҳлари аъзоларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига қаратилди. Президентнинг янги Фармонини ҳаётга татбиқ этишда қуйи партия ташкилотлари иштирокининг усул ва услублари тевараги да кенг фикр олишув бўлиб ўтди. Чунончи, янгийўллик Машкура Мавлонова касаначилик меҳнатини қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилиши зарурлиги, туман савдо-саноат палаталари тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш билан мунтазам шуғулланишлари кераклиги ҳақида гапирди.

Олмалиқлик иштирокчи Мухсимхон Эшонов шаҳарда касаначиликни ривожлантириш учун катта имкониятлари мавжудлиги, уни оқилона ташкил этиш оилалар бюджетини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Шунингдек, семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилаётган янги қонун лойиҳалари тўғрисидаги маърузаларни ҳам тинглашди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

Қарор ва ижро

Пластик карточка: ҲАМ ҚУЛАЙ, ДАРОМАДЛИ

Бугунги кунда пластик карточкалар жаҳондаги ривожланган, шунингдек, иқтисодиёти барқарор мамлакатларда олди-сотди ҳамда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун, соддароқ қилиб айтганда, ҳамма турдаги тўловлар юзасидан ҳисоб-китоб қилишнинг ҳар томонлама қулай, ихчам воситасига айланиб улгурган. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик шарофати билан бошланган кенг кўламдаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ўзаро ҳисоб-китоб воситаси сифатида пластик карточкалар жорий этила бошланди.

Хўш, ҳозирги кунга келиб пластик карточкаларнинг қўлами, қамрови қандай? Хусусан, унинг Тошкент вилоятидаги жойлашуви қандай кечмоқда? Ушбу усулнинг асосий афзалликлари нималардан иборат?

Биз Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Жамол Норбоев билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Жамол Абдураззоқович, аввало, пластик карточкаларни муомалага киритиш ва ундан фойдаланиш тартиб-қоидалари ҳақида қисқача тушунча берсангиз.

— Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро муносабатларнинг қонуний тартиб-қоидалари, яъни талаб ва таклифлари мавжуддир. Шу нуқтаи назардан қараганда, пластик карточкалар бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг муваффақиятли кечишига

(Давоми 2-бетда).

«Ташаббус – 2006»

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мавқеини мустаҳкамлаб бориш мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан биридир. Зеро, мулкдорлар синфининг шаклланиши ва мустаҳкамланиб бориши бозор иқтисодига ўтиш давридаги мураккаб муаммоларни ҳал қилиш, айниқса, ишсизликни бартараф этиш ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

РАҒБАТЛОВЧИ ОМИЛ

Кўп тармоқли иқтисодиётни барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тобора кучайтирилиб, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда. Хусусан ўтган йили тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларда ишбилармонларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатишлари учун янги имтиёзлар белгиланди ва қулай имкониятлар яратилди.

Савдо-саноат палатасининг Бекобод шаҳар филиали бу ҳужжатларнинг моҳияти ва мазмунини хусусий тадбиркорлик тузилмалари раҳбарлари ўртасида кенг тушунтириш ишларини изчил олиб бормоқда. Турли соҳаларда фаолият юритаётган тадбиркорлар кенг жалб қилиниб, семинарлар, савол-жавоб ва давра суҳбатлари уюштириляпти.

Шаҳар «Ахборот-маслаҳат маркази» ходимлари бу ишда фаол иштирок этмоқдалар. Улар бу ҳужжатларни тушунтириш юзасидан қисқа муддатли ўқувлар ташкил қилдилар. Тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш учун олиб борилган ўқув курсларига 320 нафар ишбилармон жалб қилинди.

(Давоми 2-бетда).

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

БИРИ БИРИГА УСТОЗ

...Ул икига фотиҳа ўқуб туруб,
Фотиҳа бу бири менга еткуруб,
Ботин ила қилмаса ул икки рад.
Зоҳир ила бу бири қилса мадад

мисраларида Навоий ўз устозлари Низомий (XII аср), Амир Хусрав Деҳлавийни (XIV аср) сиртдан хушнудлик билан ёд этса, ўзининг замондош устози А. Жомийни «фотиҳа бу бири менга еткуруб», «зоҳир ила бу бири қилса мадад» деб, ундан бевосита маънавий нажот ва мадад олганлигини қайд қилади.

Хўш, бу маънавий нажот ва мадад, адабий таъсир достонда нималарда кўринади?

Бу таъсирни А. Жомийнинг «Туҳфатул-аҳрор» достони билан А. Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонини бир-бирига қиёслаб ўрганиш мисолида кўриш мумкин. Аммо бу масала жуда кенг тадқиқий муаммо бўлиб, ҳар иккала асардан фақат бир масалани олиб, уни қиёсий таҳлил қилиш масалани ойдинлаштиради.

Маълумки, «Туҳфатул-аҳрор» достони ҳам, «Ҳайратул-аброр» достони ҳам ягона сюжет чизиғига эга бўлмай, улар айрим-айрим боблардан — мақолат ва ҳикоятлардан ташкил топган ҳамда уларда мутафаккир муаллифларнинг фалсафий, ижтимоий, сиёсий, дидактик ва эстетик қарашлари ўз ифодасини топган. Бу адабий таъсир бир замонда яшаб ижод этган ҳар иккала алломанинг подшога мурожаати масаласида айниқса, яққолроқ кўринади. Бир масала устоз ва шогирд тасаввурида турлича талқин этилади.

1481 йилда ёзиб тугалланган ва XIV аср воқелиги талқин этилган «Туҳфатул аҳрор» достони билан 1483 йилда яратилган ва XV аср воқелиги идрок этилган «Ҳайратул-аброр» достонини бир-бири билан бундай монохроник чоғиштириш натижасида ҳар иккала достоннинг ўзига хослиги ҳам, ўзаро таъсири ҳам сезилади.

(Давоми 3-бетда).

Пластик карточка:

ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ ДАРОМАДЛИ

хизмат қилувчи зарурий омиллардан биридир, десак ўринли бўлади. Ўзаро ҳисоб-китобнинг бу замонавий воситасини муомалага чиқариш нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришнинг энг мақбул ва самарали усули ҳисобланади. Банк пластик карточкалари орқали бажариладиган нақд пулсиз электрон тўловлар ҳозирги замон пул айланмасининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Бундан ўн йил муқаддам юртимизга, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири бўлган банк тизимига энг муҳим янгилик сифатида кириб келган пластик карточкалар кўп томонлама қулай ва фойдалилиги туфайли аҳоли ўртасида тобора кенг оммалашмоқда. Улар орадан ўтган қисқа давр мобайнида ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар учун энг ишончли молиявий воситалардан бирига айланишга улгурди. Шунингдек, пластик карточкалар нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини тартибга солиш, яъни иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори сифатида қарор топмоқда.

— Пластик карточкаларнинг қулайлиги ва фойдалилиги ҳақида гап борганда, фақат ушбу молиявий восита эгалари назарда тутиладими ёки бу усулда ҳисоб-китоб қилиш савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек, карточкаларни муомалага чиқарган тижорат банклари учун ҳам маълум афзалликларга эгами?

— Ҳисоб-китоб қилишнинг ушбу молиявий воситаси уч томонлама, яъни унинг эгалари, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек, карточкаларни муомалага чиқарган эмитент банклар учун фойдалидир. Аввало, карточка эгалари жуда кўп имтиёзларга эга бўладилар. Энг муҳим қулайлиги шундаки, унинг эгалари зарурат юзасидан даста-даста пулларни кўтариб юриш, айниқса, уларни олдириб ёки йўқотиб қўйиш ташвишидан ҳоли бўладилар. Иккинчидан, карточка эгаси уни йўқотиб қўйган тақдирда ҳам маблағидан ажраб қолмайди. Чунки, уни топиб ёки ўғирлаб олган шахс, пулларни қўлга киритолмайди, негаки, у карточканинг парол рақамини билмайди, усиз эса терминал ва банкоматларда операцияларни амалга ошириб бўлмайди. Пластик карточкалар воситасида нафақат савдо-сотиқ, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматлар юзасидан ҳисоб-китоб қилиш, балки бошқа бир қатор тўловлар, хусусан, коммунал хизматлар ҳақини, олий ўқув юртларида билим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини ҳам нақд пулсиз карточкалар орқали тўлаш мумкин. Пластик карточка ҳисоб-рақамига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш, республиканинг исталган бурчагидаги ҳар қандай банкдан туриб ҳам нақд пул топшириш, шунингдек, нақд пул керак бўлиб қолганида уни мамлакатнинг барча ҳудудида ўрнатилган банкоматлар орқали олиш имконияти яратилган. Умуман, фуқаролар пластик карточкаларидаги ҳисоб рақамида чекланмаган миқдорда маблағ сақлашлари мумкин. Бу моддий жиҳатдан ҳам фойдали. Тижорат банклари карточкадаги пул қолдиқларига камида йиллик 16 фоиз ҳисобидан қўшимча даромад тўлайди ва у ҳар ойда капитализация қилиб борилади.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар орқали амалга оширилган товар айланмаси ҳажмига нисбатан ялпи даромад солиғини 20 фоиз ким тўлайди. Бундан ташқари, замонавий молия воситасининг жорий этилиши натижасида корхонанинг нуфузи ошиб, мижозлар сони кўпаяди.

— Вилоятда пластик карточкаларни жойлаштиришнинг бугунги аҳволи қандай?

— Мижозларга комплекс хизмат кўрсатиш ва янги технологияларни жорий этиш тамойилларини амалга ошириш вилоятнинг тижорат банклари бўлимларида пластик карточкаларнинг ривожланган ва доимий ўсиб борувчи инфратузилмасини яратиш имконини берди. Савдо-сотиқ ва ҳисоб-китобнинг замонавий усулларига мойиллик билдираётган фуқаролар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бундай энг тез, қулай ва фойдали усулни эса, айнан пластик карточка таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг вилоятда янги молиявий воситадан фойдаланиш, айниқса, кенг қулоч ёйди. Вилоят тижорат банклари филиаллари ҳозирги кунгача 230 мингдан зиёд сўм пластик карточкаларни муомалага чиқарди. 2005 йил давомида ушбу пластик карточкаларга 45 миллиард 218 миллион сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўтказилгани ҳолда, пластик карточкалар орқали амалга оширилган транзакциялар жами 42 миллиард 168 миллион сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда тижорат банкларининг чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналаридаги «карточка» тизими 953 та терминалдан, иборат бўлиб, ҳозирги вақтда барча тижорат банклари бўлим ва филиаллари пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг янги босқичини амалга оширишга киришди.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Абдусамад Йўлдошев суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

БОДОМТЕПАГА ГАЗ КЕЛДИ

Паркент шаҳарчасидаги Бодомтепа ҳамда Қўличи маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳоли кўп вақтлардан буён табиий газ танқислигидан қийналарди. Эндиликда ушбу муаммо бартараф этилди.

Вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи» инженеринг компанияси, туман уй-жой қурилиш бошқармаси ҳамда «Бинокор» қурилиш ташкилоти ҳамкорлигида 2004 йилнинг охирларида Бодомтепа маҳалласига 4,2 километр узунликдаги газ қувурларини тортиш ишлари бошланган эди. Бир ярим йил давом этган қурилиш ҳамда монтаж жараёни якунланиб, ниҳоят, тортилган қувурлар газ тармоғига уланди. Ҳозир 50 та хонадон табиий газдан фойдаланиш имконига эга бўлди.

— Бодомтепа маҳалласи ҳудудига газ келтириш вилоятнинг манзилли дастурига киритилган, — деди «Бинокор» қурилиш ташкилоти раҳбари Азим Солиҳов. — Шу сабабдан иккинчи босқич ишларини 2006 йилнинг биринчи ярмида якунлаш мўлжалланган бўлиб, бунинг натижасида яна 260 хонадон тўлиқ газлаштирилади. Шу кунгача 20 миллион сўмлик ҳажмдаги иш бажарилди.

Қўличи маҳалласига 800 метр узунликдаги газ қувурларини тортиш ишлари ўтган йилнинг охирларида якунланган. Улар газ тармоғига улангач, 20 та хонадон қулайликка эга бўлди. Яна 10 та хонадон улар сафига қўшилиш арафасида. Бу ерда 8 миллион сўмлик иш бажарилди.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: *(чапдан ўнгга) Қўличи маҳалласи фаолларидан Комил Воҳидов, «Бинокор» қурилиш ташкилоти раҳбари Азим Солиҳов ҳамда туман газ таъминоти бўлими вакили Мурали Дадахўжаев амалга оширилган ишларни назоратдан ўтказишмоқда.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

НАРКОБОСҚИНГА ҚАТЪИЙ КУРАШ

Тошкентда гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар ва улар прекурсорларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши, айланиши ва суиистеъмол этилишини назорат қилиш соҳасида бир-бирини тўғри тушуниш ва ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум иштирокчи давлатлари ташқи ишлар вазирларининг еттинчи учрашуви очилди.

Тошкентдаги навбатдаги учрашувда томонлар гиёҳванд моддаларнинг назорати бўйича ҳамкорликнинг аҳволи юзасидан миллий шарҳ тақдим этишлари баробарида биргаликда ҳаракат қилишнинг мавжуд бўлган халқаро ва минтақавий механизмлари, ушбу соҳадаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишди.

«Жаҳон» АА.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ВИДЕОАНЖУМАН

Тошкентда информацион технологиялар соҳасидаги инвестиция имкониятларининг тақдимоти бўйича видеоанжуман ўтказилди.

Мазкур тадбир Республика Савдо-саноат палатаси ва мамлакатимизнинг Бельгия ҳамда Жанубий Кореядаги дипломатик ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Видеоанжуманда "ZIYONET" ва "UNITECH" компанияларининг инвестиция лойиҳалари намойиш этилди. Чунончи, "UNITECH" компанияси "Виртуал Тошкент" лойиҳасини амалга оширишни режалаштирган. Мазкур лойиҳа туризм, таълим каби соҳалар учун ниҳоятда фойдалидир.

ЖАМОАТЧИЛИК МУАММОСИ

Гемотология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтида «Темир танқислиги камқонлиги муаммоси — жамоат муаммоси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда соҳага алоқадор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирдан кўзланган мақсад озуқавий микроэлементлар танқислиги муаммоси ечимига доир махсус дастур ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга кенг жамоатчиликни жалб қилишдир. Бунинг учун аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш кераклиги таъкидланди. Шунингдек, инсон танасида темир моддаси танқислиги туфайли юзага келадиган камқонлик хасталиги оқибатлари ва унинг асоратлари ҳақида ҳам сўз борди.

Тадбар сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан жавоблар олдилар.

Нодира ОРИФХЎЖАЕВА.

АРЗОН НАРХ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Бундан бир неча йиллар аввал Оққўрғон туманидаги йўловчи ташиш билан шуғулланувчи "Оққўрғон" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг ишлари кўнгилдагидек эмас эди.

Вазиятдан чиқиш учун зудликда кўрилган чоралар аста-секин ижобий натижалар бера бошлади. Яъни жамиятга қарашли барча автобуслар суюлтирилган газга ўтказилди. Бу ёқилғимойлаш сарф-харажатларнинг кескин камайишига олиб келди. Иқтисод қилинган маблағлар жамиятни қарздорлик ботқоғидан чиқишига замин яратди.

Корхонанинг мулк шакли ўзгариб масъулияти чекланган жамиятга айлантирилгач, ишлар янада олдинга силжиди. Оқибатда корхона томонидан "Оққўрғон-Қўйлиқ", Бўка ва Гулистон йўналишларида ҳам қатнов йўлга қўйилди.

Бугун йўналишлардаги "Оққўрғон"га қарашли транспортларнинг нархи хусусий йўловчи ташиш билан шуғулланувчиларникидан бир неча баробар арзон.

«Туркистон-пресс».

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларини хусусийлаштириш мақсадида кимошди ва очиқ савдога қўйилган иншоотларнинг аксарияти сотилди.

Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари, Оҳангарон, Пскент ва Чиноз туманларидаги шундай объектлар янги эгалари ихтиёрига ўтказилди. Бундан ташқари, Пскент, Тошкент, Қибрай ва Бўстонлиқ туманидаги бўшаб қолган мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ҳам давлат тасарруфдан чиқарилди. Уларнинг айримлари маълум муддат давомида ўз ихтисослари бўйича ишлаб туради. Кейинчалик фаолият шаклини ўзгартириш мумкин.

Ўз мухбиримиз.

«Ташаббус – 2006»

РАҒБАТЛОВЧИ ОМИЛ

Бундан ташқари «Ахборот-маслаҳат маркази» консалтинг хизматларини кенгайтириб, мурожаат қилинган барча масалалар бўйича тегишли маслаҳатлар берди. Сал кам тўрт юзта тадбиркорлик тузилмаларига шундай хизмат кўрсатди. Ўтган йил давомида еттита тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларидан кредит олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар пакетини тайёрлаб берди. Марказ қошида ташкил этилган «Меъёр» ҳуқуқий-ахборот тизимида тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонун, фармон, қарорлар ва бошқа тегишли ҳужжатлар, тадбиркорлик соҳасига оид янгиликлар, фуқаролик ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, тадбиркорлар истаган вақтларида бемалол фойдаланишлари мумкин.

Савдо-саноат палатаси шаҳар филиали ўтган йили 42 та тадбиркорлик тузилмаларига ҳуқуқий маслаҳатлар билан ёрдам берди. Ўттиз олтита шундай субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишда палата ходимлари қатнашдилар.

Шаҳарда ҳафтанинг ҳар жумасида «Тадбиркорлар куни»ни ўтказиш анъанага айланган. Шу куни мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, ходимлари тадбиркорлик тузилмалари ҳузурига ташриф буюришади, ишбилармонлар иштирокида муҳим масалалар юзасидан учрашувлар, йиғилишлар, семинарлар ўтказилади. Бунда улар учун шаҳардаги ҳамма идора-ташкилотлар эшиги очиқ бўлади. Ўзларини қийнаётган муаммолар ҳақида исталган жойга борадилар ва уларнинг ечилиши учун зарур амалий ёрдам ва маслаҳат оладилар.

Тарғибот-ташвиқот ҳамда ташкилий-тушунтириш ишлари олиб борилиши туфайли шаҳарда кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонлар сафи кенгайиб бормоқда. Ўтган йил давомида уларнинг фаолиятига маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ноқонуний аралашуви, текширишлар ва қонунга зид равишда жавобгарликка тортиш ҳоллари юз бермади ва савдо-саноат палатаси шаҳар филиалига ариза-шикоятлар умуман тушмади.

Ўтган йил давомида шаҳар бўйича 501 та тадбиркорлик тузилмалари борлиги қайд этилди. Палатага аъзо бўлиб кирган 123 та субъектнинг 97 таси жисмоний ва 46 таси юридик шахслардир. Бу ҳол тузилмаларнинг шаҳар иқтисодиётидаги мавқеи янада мустаҳкамланишига олиб келади.

— Шу кунларда ишбилармонларимиз мамлакат Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус – 2006» кўрик-танловининг шаҳар, вилоят босқичларига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар, — деди савдо-саноат палатаси шаҳар филиали директори Ҳакимжон Турғунов. — Унинг дастлабки босқичи анча қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик тузилмалари рўйхати шуни кўрсатмоқда. Бу тадбир ҳар йилдаги каби шаҳримизда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг кенгайишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Собир МАҲМУДОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, шу асосда мулкдорлар синфини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, илғор тадбиркорлар тажрибасини оммалаштириш мақсадида республикамизда кўп йиллардан буён «Ташаббус» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Барча жойларда бўлгани каби Қибрай туманида ҳам танловни юқори савияда ўтказиш, иштирокчиларни муносиб тақдирлаш мақсадида ташкилий қўмита тузилди.

— Биз бу йилги танловни ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ўтказишни режалаштирганмиз, — деди ташкилий қўмита раиси, туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Илҳом Орипов. — Танлов низомидан келиб чиқиб, энг яхши кўрсаткичларга эришган, экспортга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва хизматларни йўлга қўйган, халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этган тадбиркор, фермер ва ҳунармандларимиз билан тайёргарлик кўряпмиз. Шу кунгача 10 га яқин номзод ариза тақдим этди. 10 февралда танловнинг туман босқичи ўтказилади.

Қибрайлик тадбиркорлар ушбу танлов биринчи маротаба ташкил этилган вақтдан бошлаб фаол иштирок этиб, нафақат туман, ёки вилоят, ҳатто, республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллаганлар. 1996 йили «Ижод» корхонаси раҳбари Эргаш Сафаров «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича Президентимиз соврини – «Тико» автомобили билан тақдирланган эди. Вилоят босқичида байтқўрғонлик фермер Қурбон Хожиев «Энг яхши фермер» ҳамда Салор шаҳарчасида истиқомат қилувчи ҳунарманд Илёс Зокиров «Энг яхши ҳунарманд» номларига сазовор бўлишди.

Бу йил туман босқичида қатнашишга тайёргарлик кўраётган номзодлар орасида анча тажрибали «Нур-Фаррух» ҳамда «Қурбон-ота» фермер хўжаликлари, «Зиё-Глобус», «Гербафарм», «Зумрад-А», «Чилла» корхоналари борлиги танловнинг қизғин ўтишидан дарак беради. Ташкилий қўмита улар фаолиятини кенг кўламда тарғибот қилмоқда. Ғолибларга бериладиган мукофот, совринлар ҳам тахт қилиб қўйилган.

Ҳуррият МЎМИНОВА.

УСТОЗГА ҲАВАС ҚИЛИБ

Дилфуза Раҳимова педагоглик касбига меҳр қўйгани боис шу соҳа бўйича институтда таълим олиб, ўзи ўқиган Қибрай туманидаги 4-умумтаълим мактабига бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ишга кирди.

— Шунга ҳам 15 йил бўлибди — дейди Дилфуза Раҳимова. — Шу йиллар ичида ўз касбимнинг ҳали мен англаб етмаган жиҳатларини кўрдим, ўргандим. Устозлар тажрибасини ўзлаштирдим. Айниқса, бола психологияси ва унинг дунёқарашини шакллантиришда ўқитувчининг ўрни алоҳида эканлигини тушуниб етдим. Бугун шу мақсад йўлида меҳнат қилаяпман.

Доимий изланиш, интилиш хислатлари Д. Раҳимовага нафақат ўқувчилар балки, мактаб жамоатчилиги ўртасида ҳам катта ҳурмат ва эътибор келтирмоқда.

СУРАТДА: *Дилфуза Раҳимова ўқувчилари даврасида.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими

жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорлари ва ҳукмига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. «УАЗ-469» русумли автомобиль, давлат рақами 11 N 03 65, техник носоз, **бошланғич нархи — 240 000 сўм.**
2. «УАЗ-5565» русумли автомобиль, давлат рақами 30 E 98 62, техник носоз, **бошланғич нархи — 200 000 сўм.**
3. «ГАЗ-66» русумли автомобиль, давлат рақами 11 L 63 91, техник носоз, **бошланғич нархи — 1 438 267 сўм 12 тийин.**
4. «ҚАМАЗ-5410» русумли автомобильь, давлат рақами 16 АК 364, техник носоз, прицеп, давлат рақами 16 А 591, **умумий бошланғич нархи — 2 227 350 сўм.**

Кимошди савдоси (аукцион) 2006 йил 21 февраль куни соат 11.00 да Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлимида — Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уйнинг, 3-қаватида ўтказилади.

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлаб қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент вилояти Тошкент туман суд ижрочилар бўлинмасида якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади. Кимошди савдоси ўтказиладиган кундан 3 кун олдин ариза қабул қилиш тўхтатилади.

Кимошди савдоси Тошкент вилояти Судлар департаменти биносида бўлиб ўтади.

Шунингдек, 1. 1 дона «ФТДМ-1250 2УХЛ4 3Ц» маркали электр двигатель, нархи — 84 196 800 сўм.

2. 4 дона «К83-TW, Ру-16» маркали, жами 22 232 296 сўмли титан задвижкалар сотилади.

Маълумот учун телефон: 115-28-20.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават.

Тошкент тумани, генерал К. Ғафуров кўчаси, 10-уй (ариза қабул қилиш).

Маълумот учун телефонлар:
152-73-43, 53-08-78, (8-296) 53-718.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

БИРИ БИРИГА УСТОЗ

«Тухфатул-аҳрор» достонида шоирнинг шоҳларга муносабати масаласи «Мақолаи сездаҳум дар мухотабаи салотин, ки агар бар дигарон метобанд осмони адлро чашмаи офтобанд ва агар ҳамгирди худ мегарданд тўфони зулмро гирдоб», (адолат осмонида қуёш бўлган султонларга хитобким, агар улар бошқаларга ғамхўрлик билан қарасалар ва ҳаммани ўз атрофларига йиғсалар, зулм тўфони гирдобга айланади) деб номланувчи ўн учинчи мақолатда ўз ифодасини топган. Адолат қоидаларига риоя қилмаслик, фақат подшоҳ адолатсиз бўлса, унинг атрофидаги амалдорлар элюртни, халқни талайдилар, натижада мамлакат вайрон бўлади.

Шарқ классик шеъриятида халқни қўй тўдасига ўхшатиш сингари ташбеҳ санъати жуда кўп қўлланган. Жомий ҳам бу ташбеҳдан ўринли фойдаланади ва подшоҳни чўпонга, халқни эса қўй тўдасига ўхшатиш билан чўпонни (подшоҳни) ўз қарамоғидаги қўйларга меҳр-шафқат билан ҳомийлик қилишга чақиради. Агар чўпон бўри ишини қилса, дейди шоир, сариқ ит бўрининг ҳамроҳи бўлади. У ҳолда қўзичоқ бўрига бемалол ем бўлаверади. Аммо сен (чўпон-подшоҳ) адолат билан иш юритсанг, бўри қўйларга чўпонлик қилади.

Адолатли ҳукмдор ҳақидаги орзу «Ҳайратул-аброр» достонининг асосий ғояларидан бири ҳисобланади. Асарда шоирнинг подшоҳга муносабати «Салотин бобидаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло хисравлик худин аларнинг хилофати бошига қўйдиким, адолатлари «айни»нинг чашмаси зулоли мулк бўстонин сароб қилгай, то бу бўстондин амнийт ва фароғат гуллари очилгай ва алар зулм боғида май ичиб гул сочарлар, балки майдин ҳар дам ўзгача гул очарлар», деб бошланувчи ўн учинчи мақолатда (XXVI боб) ўз ифодасини топган. Мақолат подшоҳнинг беҳад куч-қудратини таърифлаш, ҳатто, буюклар ҳам унинг ҳукми олдида «қадрларини нигун айлаганлари» ҳақидаги мисралар билан бошланади. Аммо, фалак подшоҳ бошига тож кийдирган бўлса-да, Навоий тасаввурида, у бошқалар сингари оддий бир инсондир. Шунинг учун подшоҳ ўзининг «нури пок», ўзгаларнинг эса «туфроғ» эмаслигини тушуниши керак. Балки илм-ҳунар ичра, ақлу заковат, камол ичра, ҳулқу инсоф ичра подшоҳ ўзгалардан пастроқда туради:

Бил муниким,
бир бандасен,
Кўпрагидан ожизу афгандасен.

Замондош устози сингари Навоий ҳам феодал тузумда амалдорларнинг бойлиги бечора мазлум халқни талаш эвазига тўпланганлигини яхши тушунган. Шунинг учун Навоий уларнинг зулмини кескин танқид қилиш билан феодал тузумни ларзага солади. Подшоҳнинг адолатли бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоя Жомийда подшоҳ кийган тожда ўз ифодасини топган бўлса, Навоий тасвирида бу ғоя подшоҳ таққан узукда нақш этилган:

Ҳотами адлингга
сипеҳри биланд,
Ростию расти била
нақшбанд

(яъни, юксак осмон адолат узугингга: «тўғри бўлсанг, нажот топасан» нақшини ўйган) байтида ифодаланган.

Подшоҳ золимлашаверса, унинг тож-тахти инқирозга учраши муқаррар деган ҳар иккала достоннинг номлари зикр этилган мақолатлари учун умумий бўлган хулоса «Тухфатул аҳрор»да:

Кунгури коҳи ту ба
хок афканад,
Тоқи баландат ба
мағок афканад.
Афсарат аз фарқ фитад
зери пой,
Пояи тахти ту билағжад
зи жой

мисраларида акс эттирилган бўлса, Навоий «Ҳайратул-аброр»да:

Неча бу беҳудлик
ила йилу ой,
Вой, агар келмасанг
ўзунга вой!

сингари огоҳлантирувчи мисраларда ўз ифодасини топган.

Демак, бир даврда яшаб ижод этган икки забардаст мутафаккир замона ҳукмдорига устоз ва шогирд нигоҳи билан қарайдилар, бу масалани ўзларича мустақил талқин этадилар. Шу билан бирга ҳар иккала достонда шундай бир нафис уйғунлик мавжудки, бу ўзаро адабий алоқанинг, адабий таъсирнинг самарасидир.

Салимжон ХИДИРНАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ер юзида шу кунгача қанча инсон ўтган бўлса, барчаси муҳаббат, севиш, севилишни бошдан кечиришган. Хусусан, Навоий ижодида энг характерли кайфият ишқий ҳиссиётлар экани англашилади. Ишқий узилиш, интизорлик туйғулари тараннум этилади.

МУҲАББАТ «ФАН»И

Навоий тилга олиб, таърифлаган ишқ коинот билан бирлик касб этган қалбларда яшайди ва ўз коинотий ҳиссиётлари ва хусусиятларини касб этади.

Профессор А. Ҳайитметов Навоий ижодини махсус тадқиқ этар экан, унинг анъанавий ва илғор романтизмда ижод қилганлигини далиллаган. Бироқ, Навоий ҳамма иллатларнинг асоси фалак, замон, жамият деб билади. Аммо асарларида акс этган воқеалар нореал, кўпинча хаёл ва ғоялар билан боғлиқ. Реалистик тамойиллари шундаки, шоир Искандарни қайта тирилтирмоқчи бўлади, романтик тасвирни жонлантириб кўрсатади. Шоир воқеаларни халқ манфаати юзасидан баҳолайди. Лайли, Мажнун образларида ҳаётийлик кучли, Фарҳод ўз бахтсизлигига замон сабабчи деб ўйлайди.

Энди «фан»нинг замирига қарайлик. «Фан» араб луғатларида «санъат», «нафосат», «нафислик», қолаверса, «ҳунар» деб тушунтирилади ва араблар ҳеч қачон «фан» деганда «илм»ни тушунмайдилар. Биз тушунган «фан»ни улар «илм» сўзи ва унинг ҳосилалари билан ифодалайдилар. Бизда қачон «фан» илм бўлиб кетди? Кейинги маданий замонларда жадидлик уйғонганда ва ҳаракат қудратини касб этганда, «илм-фан» деган қўшалоқ, жуфтланган тушунча қўллана бошланди. Бу тушунча ўзбек тилини тўлдирган ва бойитган. «Илм-фан» дейилганда, илмлар ва санъатлар назарда тутилган. Лекин кейинчалик тилимизнинг стихиясига кенг кирган, илк тўғри маъно унутилди ва «илм-фан» энди «илм-илм» ёки «фан-фан» деган маънода қўлланилиб кетди.

Навоийда «фан» сўзи анча кенг маъноларни қамраб олади. Ҳатто, айрим ўринларда Навоий «фан» сўзига янги бир маъно ҳам бағишлайди:

Ҳақ ваҳмидин улки йиғламоқ фан қилғай,
Ул ашк анинг кўзини равшан қилғай.

Бу ерда «фан» сўзи «одат» маъносида қўлланилмоқда. Навоийнинг машҳур:

«Қаро кўзум, келу мардумлиг эмди фан қилғил», — мисрасидаги «фан» ҳам сўзнинг кутилмаган, гўзал «жадидий» маъносида ишлатилган. Профессор А. Рустамов ҳам буни «одат қилиш», «ҳунарга айлантириш», «одамийлик касб этиш» маъноларида қўлланилганлигини қайд этади. Уч ҳарфдан иборат ушбу сўз тафаккур тараққиёти давомида шунчалар ажойиб маъноларни англатиш, ифодалаш қудратини касб этди. Демак, муҳаббат фани деганда муҳаббатнинг санъатлари, моҳирликлари, нафосатлари, ҳунарлари, одатларини тушунамиз. Кўҳна адиблар ва уларгина эмас, ҳозирги қаламкашлар ҳам муҳаббатни яхши кўриш, мастлик, қуллик, мубталолик, девоналик сингари тушунчалар-ҳолатлардан ажратмай тасвирлайдилар. Мусиқа, фалсафа, шеърият дунёга келишини муҳаббат орқали изоҳлайдилар. Ҳа, ҳиссиётларимиз бизни ҳамиша қайгадир, нимагадир, кимгадир йўллайди. Хуллас, муҳаббат фани Навоийгача ва Навоий замонасидан бугунги кунгача бўлган, боқий давом этадиган абадият фанидир.

Дилрабо ҚОЗОҚБОЕВА,
ТВДПИ филология факультети талабаси.

Хотира азиз

Ёшинг бир ерга бориб қолганидан кейин босиб ўтган йўлингга ўқтин-ўқтин назар ташлаб қўясан, киши. Хаёлинг узоқ-узоқларга етаклаб кетади. Умримнинг ўттиз йилини ўтказган муқаддас даргоҳда бўлиб, ана шундай ҳолатга тушдим. Қадрдон «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятидаги қалбимда ўчмас из қолдирган қайноқ ҳаёт, ҳам ҳаяжонли, ҳам қувончли онларни эсладим. Бой тарихга эга бу газетада жон куйдирган жафокаш қалам соҳиблари, камтарин журналистлар бир-бир кўз ўнгимдан ўтди.

МЕНИНГ УНИВЕРСИТЕТИМ

... Таҳририятнинг саноат ва транспорт бўлимида узоқ муддат ишлаб келаётган Мирсобир Мирҳамидов билан опа-укалардай кўришдик, узоқ суҳбатлашдик.

— 1954 йилнинг февралига келиб газета қайта туғилди, — дедим фахр билан.

Унинг биринчи сонини чиқаришда ўзим иштирок этганим, навбатчилик қилганимдан ҳануз фахрланаман. Бир менигина эмас, муҳтарам адибларимиз Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимовлар учун ҳам ҳаёт ва ижод университети бўлган десам хато қилмайман. Бош муҳаррир Зиёд Есенбоев раҳбарлигида жуда қисқа муддат ичида бутун бошли «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти шаклланди. Зиёд аканинг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, ходимларга нисбатан ҳам ғамхўр, ҳам талабчанлиги туфайли иноқ, ишчан ижодкорлар жамоаси вужудга келди. У биз — ёшлар учун ўрганиш, тажриба мактабига айланди. Ҳали мамлакатимизда етук, қўлидан бемалол ёзиш-чизиш келадиган кадрлар кам, борлари ҳам банд эдилар. Эндигина ташкил этилган журналистика факультетида таълим олаётган талабалар ҳали ўқишни тамомлашмаган эди. Шундай қилиб, ўша кезлари бош муҳаррирга қанчалик оғир бўлганини энди чуқур ҳис этяпман... Газетада кундалик муҳим, зарур воқеаларни ёритиш билан бирга кадрларнинг билим ва маҳоратини ошириш ҳам асосий вазифа эди. Суҳбатимиз шу жойга келганида:

— Ҳафтада бир маротаба ўтказиладиган «летучка» биз учун дарсхона десак ҳам бўларди, — дейман, ўзим сингари махсус журналистика билимидан бехабар ҳаваскор мухбирларни эслаб.

— Ҳа, жуда қизғин ўтарди, тортишувлар бўларди, бир-биримизга билганимизни ўргатардик ҳам, ўрганардик ҳам, — фикримни қувватлайди Мирсобир.

Суҳбатимиз ўша пайтда бирга ишлаган ҳамкасблар ҳақида борганда ҳаётдан эрта кўз юмган Усмон Жонгитовни афсус билан эсладик.

— Бетакрор истеъдоди бор эди, ҳам шоир, ҳам моҳир журналист, юксак маданиятли, шинаванда йигит эди. Уни эсласам, юракларим эзилиб кетади. Қўлидан келган ёрдамини бошқалардан аямасди, гоҳида хомроқ мақолами, очеркми кўрсатсам, эринмай ўтириб таҳрир қиларди, бир сўзни ўрнига ишлатганда «ана энди жойига тушди», деб кўярди. Беғубор қалби бор эди, устозим эди. Қалбим тўрида ардоқлаганим, яна бир устозим марҳум Маҳмуд Яҳёев. У маданият бўлимининг мудири эди. Мен шу бўлимга энди ходим бўлиб ўтгандим.

— Биламан, улар биздан бир курс аввал битиришган, — дейди Мирсобир.

Исмоил Сулаймонов, Зокир Исроилов, Тўлаган Нажмиддинов сингари пухта билимли, ёш кадрлар таҳририятимизга кириб келишди. Кейин сиз, Носир Рихсиев келдинглар. Мирсобир билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Кўп-кўп сафдошларимизни, уларнинг ажойиб ишларини ёдга олдик. Уларнинг гаплари, ижодлари, бурчга муносабатлари бугунги ёшлар учун намунали бир ибрат, албатта.

Фарида УСМОНОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

ФЕРМЕРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Юқоричирчиқ туманида 867 та фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларнинг аксарияти ғалла ва пахта етиштириш билан шуғулланса, 150 нафари боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Туман ер майдонларининг 15222 гектари фермерлар ихтиёрида.

— Айни вақтда фермер бўлиш истагида уюшмамизга йўл-йўриқ ва турли маслаҳатлар сўраб мурожаат этаётганлар кўп, — дейди фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги раиси Қамбарали Муҳаммадалиев. — Уларга амалий кўмак бериш мақсадида турфа ўқув-машғулотлар, учрашув-мулоқотларни тез-тез уюштириб турибмиз. Уларда асосан мамлакатимиз аграр тармоғида юз бераётган янгиланиш ва юксалиш жараёнлари, ер эгалари учун яратилаётган имтиёз ва ҳуқуқий кафолатлар ҳамда мулкдорлик бурчи ва масъулияти хусусида фикр юритилмоқда.

СУРАТДА: *юқоричирчиқлик фермерлар Тоҳир Соҳибов (чапда) ва Бахтибой Намозбоев ерга чинакам эгалик қилиш ортидан деҳқончиликда юқори самарадорликка эришмоқдалар.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

«КЕЙС» ВА «МАГНУМ» ХИЗМАТГА ШАЙ

«Тошкент тумани машина-трактор парки» ёпиқ акциядорлик жамиятида мавжуд техника воситаларини сифатли таъмирдан чиқариш ва мавсумга тайёрлаш юмушлари ҳар галгидан барвақт ниҳояланмоқда.

Ҳозир ташкилот тасарруфида 4 та «Магнум» ва 3 та «Кейс» русумли ўрим комбайнлари, шунингдек, қатор агротехник ускуна ва механизмлар бор. Улар бошланажак янги мавсумда ҳам буюртмачилар хизматига шартнома асосида сафарбар этилиб, деҳқонлар оғирини енгил қилишга кўмаклашади.

СУРАТДА: *(ўнгдан) «Магнум» операторлари Рустам Йўлдошев ва Муталлиб Тўхтаев техникани мавсумга тайёрлашда алоҳида ўрнак кўрсатдилар.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

МУВАҚҚАТ КЎМАК

ИСРОИЛ Фаластин мухториятига ҳар ойда 54 миллион доллар ҳажмида кўмак бериб туришга кўнди.

Бироқ, Исроил ҳукуматининг огоҳлантиришича, мухториятсайловларида ғолиб чиққан ХАМАС янги ҳукумат таркибини тасдиқлаши билан солиқ ва божхона йиғимларидан мунтазам ажратиб турилади диган бу ёрдам тўхтатилади.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖА



ЯКШАНБА куни КОСТАРИКАда ўтган президентлик сайловларининг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Илк маълумотларга кўра, сайловларда Нобель мукофотининг совриндори Оскар Ариаснинг қўли баланд келмоқда. У дастлабки босқичда сайловчиларнинг 44 фоиз овозини олишга муваффақ бўлган. Илк турда ғалаба қозониш учун бўлажак президент камида қирқ фоиз овоз тўпласа кифоя.

ТАРИХДА ИЛК БОР

ДУШАНБА куни британиялик юрист Розалин Хиггинс БМТ халқаро суди президенти этиб сайланди.

Шу тариқа 68 ёшли Хиггинс мазкур судни бошқарган биринчи аёл сифатида тарихга кирди. 1995 йилда у БМТ халқаро суди таркибига кирган илк аёл бўлиб танилганди.

ҲАВОДАГИ ТЎҚНАШУВ

АҚШнинг Висконсия штати жанубий қисмида юк ташувчи икки самолёт парвоз чоғида тўқнашиб кетди.

Ҳодисадан сўнг, самолётлардан бирининг экипажи Жуно шаҳри аэропортига амаллаб қўнишга муваффақ бўлди. Иккинчи самолёт эса ҳалокатга учради, унинг бортидаги уч киши ҳам ҳаётдан кўз юмди.

Тошкент вилояти давлат педагогика институти кафедралар бўйича профессор-ўқитувчиларнинг бўш ўринларига танлов эълон қилади

Кафедра мудирлари:

Тил ва уни ўқитиш методикаси, Тиббий билим асослари, Жисмоний тарбия ва спорт, Бошланғич таълим методикаси, Информатика ва ахборот технологияси, Физика ва астрономия, Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, Тарих, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти ҳамда фалсафа, Бошланғич синфларда тил ва адабиёт, Мусиқий таълим.

Танловда фан докторлари ва фан номзодлари қатнашадилар.

Кафедра доценти:

Иқтисод назарияси — 2 та, Умумтехника фанлари — 1 та, Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари — 1 та, Рус тили ва адабиёти — 1 та, Умумий педагогика ва психология — 1 та, Тил ва уни ўқитиш методикаси — 1 та.

Танловда фан докторлари, доцентлар қатнашадилар:

Кафедра катта ўқитувчиси:

Адабиёт ва уни ўқитиш методикаси — 1 та, Биология — 1 та, География ва экология асослари — 2 та, Иқтисод назарияси — 1 та, Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият — 1 та, Тиббий билим асослари ва фуқаролар мудофааси — 1 та, Жисмоний тарбия ва спорт — 1 та, Бошланғич таълим методикаси — 1 та, Умумтехника фанлари — 2 та, Математика — 1 та, Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари — 1 та, Тарих — 3 та, Рус тили ва адабиёти — 3 та, Инглиз тили — 1 та, Кимё — 1 та.

Танловда фан номзодлари, педагогик стажи 5 йилдан ошиқ бўлган, илмий ишлари чоп этилган ўқитувчилар қатнашадилар.

Кафедра ўқитувчилари:

Адабиёт ва уни ўқитиш методикаси — 5 та, Тил ва уни ўқитиш методикаси — 3 та, Шарқ тиллари ва ёзуви — 1 та, Биология — 6 та, География ва экология асослари — 5 та, Кимё — 5 та, Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият — 6 та, Тиббий билим асослари ва фуқаролар мудофааси — 4 та, Жисмоний тарбия ва спорт — 3 та, Бошланғич таълим методикаси — 1 та, Умумтехника фанлари — 2 та, Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат — 3 та, Информатика ва ахборот технологияси — 3 та, Физика ва астрономия — 2 та, Математика — 4 та, Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари — 7 та, Тарих — 7 та, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти ҳамда фалсафа — 1 та, Рус тили ва адабиёти — 1 та, Чет тиллари — 1 та, Инглиз тили — 3 та, Бошланғич синфларда педагогика ва психология — 6 та, Бошланғич синфларда тил ва адабиёт — 5 та, Мусиқий таълим — 10 та, Тожик тилида ўқитиш — 1 та, Умумий педагогика ва психология — 7 та.

Танловда тегишли йўналишлар бўйича педагогик стажи 5 йилдан кам бўлмаган, илмий ишлари чоп этилган ва давлат таълим стандартларини билган ўқитувчилар қатнашадилар.
Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.
Бизнинг манзил: 702500, Ангрен шаҳри, 48-даҳа, 1-«в» уй, Пединститут.

Франциянинг Везул шаҳрида 12-Осиё кино санъати халқаро кинофестивали очилди. Анъанага кўра, ушбу нуфузли киноанжуманда кино оламида эришган ютуқлари учун кино усталарга мамлакатнинг "Энг ҳурматли меҳмони" мақоми берилади.

Ўзбек киноси Францияда

Ўзбекистон мазкур анжуманнинг фахрий меҳмони бўлди. Бу анжуман доирасида ўзбек фильмлари намойиш этилиши, мавзуга оид семинарлар ташкил қилиниши ҳамда тақдим этилган асарлар муҳокама этилишини англатади. Бевосита танлов дастурида режиссёр Юсуф Розиқовнинг "Эркак" фильми иштирок этмоқда.

Везулдаги анъанавий кино кўриги Европада Осиё континенти кино усталари ижодига бағишлаб ўтказиладиган эътиборли анжуман ҳисобланади. Бу галги кинофорумга жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатидан турли жанрлардаги 72 та фильм тақдим этилган.

Ғайрат ШУКУРОВ, «Жаҳон» АА.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport

МАЙДОНДА – ФАХРИЙЛАР

Тошкент Давлат аграр университетининг спорт мажмуида мини-футбол бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилган турнир финалида пойтахтнинг "Трамвайчи" ҳамда Тошкент вилоятининг "Дўрмон" жамоаси куч синашди. Рақибини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратган "Трамвайчи" футболчилари бош совринни қўлга киритди.

ЎзА.

Пойтахтимизда шахмат бўйича аёллар ва болалар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати баҳслари ниҳоясига етди.

ҒОЛИБ ОЛИЙ ЛИГАГА

Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган ўн ёшгача бўлган болалар ва аёллар ўртасидаги мусобақада ғолиблар номи маълум бўлди. Кескин курашлар остида ўтган аёллар баҳсида бир йўла икки спортчи тўққиз имкониятдан етти ярим очко жамлаб ғолибликни қўлга киритишди. Булар тошкентлик Муқаддас Шокирова ва фарғоналик Ҳулкар Тоҳиржоновалардир. Вилоятимиз вакиллари Севара Юсупова ва Озода Каримовалар ҳам бир хил – олти ярим очко тўплаб, ғолиблар қаторидан ўрин олишди.

Мусобақа ғолиблари Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».

«БИЗ СОҒЛОМ ВА БАХТЛИ ОИЛАМИЗ»

Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аёллар ўртасида спортга қизиқишни янада ошириш мақсадида Ўртачирчиқ туман ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида спорт шоуси бўлиб ўтди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамда маҳалла қўмиталарининг диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ташкил этган тадбирда коллеж талабалари, мураббийлар ҳамда ҳудудлардан ташриф буюрган оилавий жамоалар ўзаро беллашдилар. Эстафета тўсиқларидан сакраб ўтиш, тренажерларда машқ қилиш ва оналар баҳси каби мусобақа шартларини аъло даражада бажарган О. Саидазимова, М. Рустамова, Д. Ҳакимова, Ф. Эралиева фахрли ўринларни эгаллашди.

Ғолибларга қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Мўмин ИБОДОВ.

«ЭНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЕТАКЧИ»

Юқоричирчиқ тумани Янгибозор маданият уйида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилоти туман бўлимлари «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда «Энг истеъдодли етакчи» кўрик-танловини ўтказди.

Унда ҳаракатнинг коллеж ҳамда умумтаълим мактаблари етакчилари бешта шарт бўйича ўзларини синаб кўришди.

Қизғин беллашувлар остида ўтган кўрик-танловда туман қурилиш-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ёшлар етакчиси Феруза Маражабова ўзини моҳир педагог, ижодкор ва турли тадбирларнинг қобилиятли ташкилотчиси сифатида намоён этиб, ғолиб бўлди.

Ўз мухбиримиз.

АСР ДАРДИ

БОЙКАСАЛ

— Абдуолим бетобмиш...

— Қандай касалликка чалинибди бояқиш?

— Бойкасалга...

Ҳамма замонларда юқоридаги сингари гап-сўзлар бўлган. Лекин шундай ном билан аталувчи касаллик турлари даврлар оша ўзгариб борган. Бугунги кунда ОИТС шу тоифа дард сифатида таърифланмоқда. Кўпинча «орзу-ҳаваси»ни тизгинлай олмаган, кайф-сафо кўчаларида вақтини хуш ўтказишга интилиб яшовчилар бу касалликни ўзларига юқтириб олмоқдалар ва уни тарқатиш манбаига айланиб қолмоқдалар.

Ҳавас, кўр-кўрона иштиёқ кишини не кўйларга солмайди. У бир бора татиб кўрган «мўъжиза»ни қайта-қайта қўмсайверади, охир-оқибатда тузалмас дардга чалинади. Мўъжизали кайф ҳолатини татиб кўришга даъват этиб, бошқа ҳавасмандларни ҳам жар ёқасига бошлайди. Кашандалик, кўкнорихўрлик, ичкиликбозлик, нашавандлик, «қора дори» борабора ёруғ ҳаётни қоронғи дўзахга айлантиради. Инсоният қадим-қадимдан бу дўзах азобини лаънатлайди, лекин уни асло бартараф этолмайди. «Кайф-сафоли ҳаёт» чўққиси — гиёҳвандлик инсон қадриятларини поймол этиб, тарих қатларида қузатилмаган янги бир дард — ОИТСни келтириб чиқарди. Бу касаллик тез суръатлар билан тарқалиб, бугун инсоният уни «Аср дарди» деб атамоқда.

БИРИНЧИ МАҚОЛА:

ЎТКАН КУНЛАР ҚЎЛАНКАСИ

Ривоят қиладиларки, бундан беш минг йиллар аввал тропик ўлкаларда кока ўсимлиги кенг тарқалган экан. Ўша замонларда ибтидоий одамлар уни ҳаёт учун керакли, фойдали ҳисоблашган, ҳатто, уни илоҳиёт билан боғлаб, кока дарахтларига сиғинишган, уни ўз турмушлари учун илоҳий бир неъмат деб билишган.

Чунончи, Америка ҳиндулари кока ўсимлиги барглари оғизларига солиб, чайнаб-сўриб юрганлар. Бир тутам барг ёки ёш новдани уззу кун чайнаб юриш ҳам одат бўлган. Чунки бу ўсимлик инсон танасига сингиб, муайян қувват берган. Ўша даврда ҳиндуларни очлик ва совуқдан маълум даражада асраган. Бу ҳолат маҳаллий аҳоли орасида кока ўсимлигини ардоқлашга, кўпайтиришга рағбат уйғотган. Бора-бора унинг барг ва новдаларини қуритиб, асраш ҳам одатга айланган.

Даврлар ўтиб, коканинг инсон умрига завол экани, уни сурункали истеъмол қилган ҳиндулар эса 30-35 ёшданоқ қариб кетишларига асосий сабабчилиги аён бўла борган. Кока инсон аъзоларини аста-секин емириб заҳарлаши, ўлим барвақт юз беришининг асосий оқибати бўлаётганлигини пайқашган.

Шарқ халқлари орасида қадим замонлардаёқ кенг тарқалган нашавандлик оқибатлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Буюк испан сайёҳи Америго Веспучининг оламшумул кашфиётининг инсоният бошига ёғдирган касофати ҳам кока ва уни қайта ишлашдан олинадиган ажал келтирувчи кокаин билан боғлиқ. Сайёҳлар кемаси океан оша олис ва оғир сафардан кейин, Колумбиянинг Ғуахире ярим ороли қирғоқларида лангар ташлаганида, Америго Веспучи келгуси авлодлар бошига ажал уруғини сочувчи кокаин дастлаб Европада, кейин жумлаи жаҳонда кенг тарқалиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Сайёҳлар ярим орол аҳолиси яшил ўсимлик барглари чайнаб юришларини кўриб, таажжубланишди. Уларни яна бир ҳолат ҳайрон қолдирди: орол одамларида кексалик нуқси эрта намоён бўлганлиги сезилиб турар, уларнинг юзлари бурушган, ниҳоятда бадбашара эдилар. Чунки, бир қўлларидан кока ўсимлигининг барги, иккинчи қўлларидан эса оқ кукунсимон нарса сира тушмасди.

Америго Веспучи ўз саёҳатлари солномасида ёзишича, Ғуахире халқи биринчи бўлиб ўша замонлардаёқ кока ўсимлигидан оқ кукунсимон модда олишни ўйлаб топган. Маҳаллий аҳоли, айтиш мумкинки, ёппасига гиёҳванд бўлган. Испания мустамлакачилари Жанубий Америкада яшовчи қабилаларни ўзларига бўйсундиргач, кокаин Европага кўплаб миқдорда олиб келина бошланди. Ўша даврдаёқ кокаин савдоси уларга ҳар йили бир миллион песодан ортиқ мўмай даромад келтирарди.

Опий кокаиндан фарқли ўлароқ, даставвал Европанинг ўзида кенг тарқалган. Ҳатто, тош асрда ҳам ибтидоий одамлар опий гиёҳвандлик моддасини оммавий истеъмол қилганликларини тасдиқловчи далил-исботлар мавжуд. Археологик қазишмалар жараёнида бундай далил-исботлар кўплаб топилган.

Кокаин ёки опий гиёҳвандлик моддалари узоқ даврлар мобайнида Осиё мамлакатларида маълум эмасди. Бу томонларда кайф берувчи «неъматлар» мутлақо истеъмол қилинмаган. Масалан, Хитой халқи узоқ даврлар оралиғида, ҳатто, таркибида алкоголь бўлган ичимликлар мавжудлигидан бехабар бўлиб келишган.

Бундай ичимликлар ва гиёҳвандлик моддалари Осиё қитъаси мамлакатларига тарқалишига инглиз мустамлакачилари сабабчи бўлишган. Чунончи, 1821 йилга келиб, ост-Ҳинд компанияси Хитойга 270 тонна опий олиб кирди, бу заҳри қотилни нафис газлама, ноёб чинни идишлар, қимматбаҳо тошларга алмаштира бошлашди. Орадан неча йиллар ўтганидан кейингина хитойликлар хорижий савдогарлар олиб келаётган алкоголли ичимликлар ва опий гиёҳвандлик моддасининг кенг истеъмол қилиниши одамлар соғлигига, мамлакат иқтисодиётига нечоғли катта зарар келтираётганлигини илғаб қолишган.

Лекин вақт ўтган, одамлар майпарастлик ва гиёҳвандлик дардига чалиниб бўлишган эди. Хитой давлатининг ташқи қарзлари кўпайиб бориб, мамлакат молиявий асорат чангалида қолганди. Ҳатто, мамлакат армиясида ҳам гиёҳвандлик кенг тарқалиб, у оддий аскарлардан бошлаб, олий даражадаги қўмондонларгача, ҳаммани ўз домига тортганди. Оқибат шундай бўлдики, Хитой императорининг армияси енгилиб, мамлакат инглизлар асоратига тушиб қолди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Ҳаёт сабоқлари

УСТАНИНГ ЎҒЛИ

Музаффар билан Шокир тенгқур эдилар. Қўшнилар мактабга бирга келиб-кетишар, бир синфда ўқирдилар. Музаффарнинг аъло ўқишини айтмаса, ораларида гўё фарқ йўқдек.

Ҳаммаси ўша спорт мусобақасидан кейин бошланди. Бу одатдаги мактаб ўқувчилари беллашуви эди. Югуриш, турникда тортилиш, футбол, баскетбол, хуллас, барчаси жуда қизиқарли ўтди. Мактаб чемпиони, деб Музаффарни тан олдилар. Ўн икки яшар чемпионнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. Ғолибларни тақдирлаш маросимида муаллим Рустам полвон: «Ғолибни табриклаш учун синфдошлари нима деркин?» — дея ўқувчиларга мурожаат қилди. Шу пайт болалар орасидан: «Кейинги мусобақада йиртиқ кроссовкасини бизга ҳам бериб турсин, биз ҳам...», — кейинги сўзлар гурр этиб кўтарилган кулгудан эшитилмай қолди. Бу Шокирнинг овози эди. Музаффар оёқларига қаради ва... ранги унниқиб, титилиш арафасида турганини энди кўраётгандек, кроссовкасига тикилиб қолди. Боягина порлаб турган кўзларида ёш ҳалқаланган эди.

Рустам полвон ҳеч нима эшитмагандек, унинг қўлини сиқиб, совға топширди ва елкасидан қучоқлаб, мусобақани қузатиб турган ҳурматли меҳмон олдига етаклаб келди. Қачонлардир шу мактабда ўқиган, эндиликда кўпнинг ҳурматини қозонган таниқли Нуриддин полвон уни муваффақият билан табриклади. Боланинг кўнгли шундай инсон билан тенгматенг суҳбатлашганидан тоғдек кўтарилди. Ҳалигина юз берган кўнгилсизлик унутилгандек эди. Аммо, уйга қайтаётиб, Шокир яна бошлаб қолди:

— Музап, даданг уста-ку, оёқ кийимингга ейилмайдиган тахта қоқиб берсин, тақиллаб югураверасан, — деб, ўз гапига ўзи ҳузурланиб кулди.

Негадир бу сафар бешолти боланинг бирортаси ҳам унга қўшилишмади. Чунки, маҳаллада «ёғоч оёқ»ли устани ҳамма ҳурмат қилар, уруш кўрган, деб авайлардилар. Шокир бу ҳазили билан қандайдир оддий ва шу билан бирга муқаддас чегарани босиб ўтганини ўзи ҳам сезмай қолди. Худди шу нарса болаларнинг сукутига сабаб бўлган эди. Улар ҳеч қандай гап-сўзсиз тарқалишди.

— Дада, Нуриддин полвон сизга салом айтдилар.

Устанинг ҳорғин юзлари ёришиб кетди. Ўғлига мамнун тикилганича «давом эт» ишорасини қилди. У Афғонда олган жароҳатлар сабаб гапиришга қийналарди.

— Манави белбоғни илк марта кураш тушиб ютганларида устозлари яхши ният билан уларнинг белига боғлаган эканлар. Бу мен учун жуда қадрли. Катта бўлганингда ҳам йигитликнинг, ҳалолликнинг, покликнинг рамзи сифатида мендан сенга эсдалик бўлиб қолсин, дедилар.

— Полвон аканг ҳақиқий эркак, — деди уста сўзларни қийналиб талаффуз этаркан, белбоғни авайлаб ўғлининг қўлларига тутди.

Шу пайт онаси ҳовлида пайдо бўлди:

— Музаффар, буларни даданг сенга олиб келдилар, — деб ўғлининг қўлига катта спорт сумкасини тутқазди. — Мусобақа кунигача улгуролмадим, деб роса сиқилдилар. Энди, хафа бўлмайсанда, ўғлим.

Болакай сумкани шошапиша очди. Спортчилар киядиган либослар ва... яп-янги кроссовка...

— Дадажон.., — қувониб кетган Музаффарнинг тилига бошқа сўз келмасди.

— Сен катта одам бўласан, ўғлим, — деди уста. — Полвонлардек.

Орадан йиллар ўтди. Бу воқеалар ҳам унутилгандек эди. Аммо болалар ўша кундан бошлаб бир-бирларидан узоқлашиб боришди. Тўғри, бирга ўйнаб, бирга мактабга қатнадилар. Лекин ўртада кўринмас тўсиқ пайдо бўлгандек эди. Бу орада мактабни ҳам битирдилар. Шокирнинг пойтахтда ўқиши учун отаонаси обдон елиб-югурди. Ўқишга кириши муносабати билан маҳаллага ош қилиб бердилар. У ўртоқлари билан тез-тез уйга келиб-кетарди. Кўпроқ чет элликларга ўхшаб кетувчи йигит-қизлар хориж машиналарида савлат тўкиб юрардилар.

Ўқиш тугади, аммо у боп иш йўқ эди. Ниҳоят, жой ҳам топилди. Шокирни ёш, келажаги порлоқ мутахассис сифатида фирма бошлиғига ёрдамчи қилиб тайинладилар. Хизмат машинасида талтайиб келиб-кетиш яхши эди-ку, аммо, шу одамлар билан муомала қийин муаммо бўлди-да. Бор-эй, деб ваколатига кирса-кирмаса, ҳамма ишга қўл ура бошлади.

Отаси ҳам қаригани сайин қурумсоқ бўлиб, унга сарф қилган пулларини гапириб, мижғовлангани-мижғовланган. Бунга онаси ҳам қўшилди. Шокир ҳамма ташвишни биратўласи унутиш баҳонасида ичкиликка муккасидан кетди. Даволанишимга, деб пулни алдаб олаверди. «Уфф, ҳамма нарсанинг тагига етади бу чол. Алдаганимни билиб қопти. Юрагини чангаллаб мени қўрқитмоқчи. Онамнинг ҳамма тақинчоғини соб қилдим-у, ғиринг деб оғиз очган эмас. Бу бўлса, арзимаган бир неча юз «кўки»га юрагини чангаллаб қолди», — ўйларди у.

Отаси ўлгандан бери тинчини йўқотди. Онаси қарзларимиз кўпайиб кетди, деб йиғлагани-йиғлаган.

Музаффар касби бўйича иш бошлашдан аввал ҳарбий хизматни ўтаб келишга аҳд қилди. Армияга кетиш олдидан уста ўғлини бағрига узоқ босиб турди. Юзини кафтлари орасига олиб, ҳарчанд гапиришга уринмасин, узуқ-юлуқ товушлар чиқара олди, холос.

Ота фарзандининг елкаларини силаб, тинчланди ва мамнун бўлиб, сассиз кулганча уни қузатиб қолди.

Кўп ўтмай, аскар хатлари кела бошлади. Улар орасида ота-онани тўлқинлантириб юборган миннатдорчилик мактублари — оиласига, таҳсил олган мактабига, маҳаллага хатлар бор эди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун келди. Маҳалла аҳли аскар болани кутиб олишга чиқди. Йигит армия билан ҳаётини боғлашини билдирганида, ота қалбининг туб-тубидан бир қониқиш ҳиссини туйди.

Олий ҳарбий даргоҳда ўқишга талабгорлар ниҳоятда кўп эди. Барчаси ҳам ўқтам, чиниққан йигитлар. Музаффарнинг ўзига ишончи катта. Чунки, ҳаёт мактаби уни обдон тарбиялаган, ўз устида тинимсиз ишлаш, мақсад сари дадил интилиш кераклигини яхши билар ва шунга қатъий амал қиларди. Бундан ташқари аъло хизматлари ҳам қисм қўмондонлиги томонидан муносиб баҳоланиб, тавсияномага сазовор бўлган эди. Демак, курсантликка талабгор ёшлар орасида унинг имкониятлари ҳамманикидан кўра кенгроқ. Тест натижалари кутилганидан ҳам зиёда чиқди. Ниҳоят, тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш куни ҳам етиб келди.

Эгнидаги курсантлик либоси ўзига ярашиб турган навқирон, ўктам ўғлоннинг елкаларини аввал уста меҳр билан силади. Ўғил отасини қучди. Унинг хатти-ҳаракатларида шу иродали, заҳматкаш, мард инсондан миннатдорлик туйғуси мужассам эди.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

Шундан кейин

ЧЕМПИОН ЖАВОҲИРИ

Россия Федерацияси олимпия қўмитаси, «Апроса» компанияси ва Россия заргарлари гильдияси «Спорт жавоҳирлари» акциясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Мазкур тадбир мобайнида Туриндаги қишки Олимпия ўйинларида олтин медаль олган россиялик спортчиларга бриллиантлар топшириш назарда тутилмоқда. Топширилажак жавоҳирлар нархи ҳақида маълумотлар берилмаяпти.

ҲОЗИРЧА ПЎПИСА

Халқаро олимпия қўмитаси 2008 йилда Пекинда ўтадиган ўйинлар арафасида спортнинг олимпия турлари оиласидан боксни чиқариб ташлаш ниятида эканлигини пўписа қилмоқда.

Қўмитанинг юқори нуфузли аъзолари билдираётган бундай фикрлар Ҳаваскорлар бокси халқаро федерацияси (АИБА) тизимидаги ислоҳотлар суст бораётгани туфайли пайдо бўлаяпти.

МАЪШУМ ХАТО

Питтсбург ҳайвонот боғи океанариумида 10 та қорақанотли акула ва битта шар-балиқ заҳарланишдан нобуд бўлди.

Боғ ходимлари акваримумга одатда сув тозалаш учун ишлатиладиган озонни янглишиб кўпроқ миқдорда беришган, бу эса балиқлар учун ўлим хавфи деган гап. Аквариумдаги денгиз фаунасининг юзга яқин бошқа турлари бу маъшум хатодан жабр кўрмадилар.

ГАЗХЎР ГАЛАКТИКА

Сомон йўли каби спирал галактикалар кўринмас иссиқ газ булутига ўралган. Улар ана шу булут — галони бетўхтов «ҳазм қилмоқда» дея таъкидлашмоқда астрофизиклар. Chandra рентген расадхонаси шундай галактикалардан бири бўлмиш NGC 5746 ни ўраб турган газ галосини суратга олди.

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

Ангрен шаҳрининг 5/4 даҳасидаги хўжалик моллари дўкони яқинидаги канализация қудуғидан аёл жасади топилди. Унга тегишли куртка ва шим қудуқ ёнида ётарди. Жасаднинг шахси суриштирилганда, қўшни даҳалик Светлана эканлиги аниқланган.

Дастлабки суд-тиббий экспертиза хулосасига кўра, унинг ўлимига бош мия ёпиқ жароҳати, юзининг пешона қисмидаги шилинишлар, 3 та тишининг травматик тушиши, жигар ёрилиши оқибатида ички қон кетиш ҳолатлари сабаб бўлган.

Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида жиноятни шу даҳада яшовчи, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Х. Бахтиёр содир этганлиги аниқланган.

* * *

Қибрай тумани Салор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Тоир-Ҳикмат ўғли» хусусий корхонасидан умумий нархи 300 минг сўмлик буюмлар ўғирлаб кетилган.

Суриштирув натижаларидан ушбу жиноятни ҳеч қаерда ишламайдиган Ҳ. Раҳматилла содир этганлиги аён бўлди. У далиллар билан қўлга олинди.

* * *

Олмалиқ шаҳар Буюк Ипак йўли кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Озод Раҳимов озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехига маст ҳолда бориб, у ерда ишлайдиган турмуш ўртоғи Ш. Дилбар билан жанжаллашиб қолади. Дилбар жахл устида Озод Раҳимов чап оёғининг юқори қисмига ош пичоғи билан уради. Оғир тан жароҳати олган жабрланувчи кўп қон йўқотиш оқибатида вафот этади.

Ҳозир юқоридаги жиноий ҳаракатлар юзасидан тергов ишлари давом этмоқда.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ИИБ матбуот маркази катта инспектори.

«Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятига таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажаришга танлов асосида пудратчи ташкилот керак.
300-55-09, 178-47-24.

Бекобод туманидаги 11-умумтаълим мактаби томонидан 2001 йилда Бекдадаев Дильшод Султоновичга берилган O'R-B 0096437 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги «Asilbek-R Audit» аудиторлик компанияси (ОКПО 16153757) тугатилаётганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида 137-60-28 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

1992 йил 19 декабрда Изосимов Георгий Гаврилович номига берилган 11-0I/538 рақамли чизма ва уй дафтари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши жамоаси раис ўринбосари, подполковник Виктор Агзамовга онаси **Валентина Васильевна АҒЗАМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллабқувватлаш давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Каримовна Саидовага отаси **Карим САИДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 9473. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6